

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

7-сон  
(1131)  
2024 йил  
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

58. «Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 февралдаги ЎРҚ–907-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

59. «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги ПФ–36-сон Фармони

60. «Андижон вилоятида «Ипак йўли» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 февралдаги ПҚ–72-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

61. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi 6-mh-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3495*)
62. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi 7-mh-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-fevral ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3496*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 58 Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
5 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат мулкани суд ҳужжатлари асосида реализация қилиш, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш (бундан давлат мулкый мажмуаларини (корхоналарни), бинолар ва иншоотларни, қурилиши тугалланмаган объектларни ер участкалари билан бирга хусусийлаштириш мустасно) Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунлари билан тартибга солинади.

##### 2-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги давлат мулкани хусусийлаштириш ушбу Қонун ва мулк жойлашган давлатнинг қонунчилиги инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат кўчмас мулк объектлари** — давлатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкый мажмуалар (корхоналар), бинолар ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар;

**давлат мулкани хусусийлаштириш** — давлат мулкани ушбу Қонун-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 15 февралда эълон қилинган.

да назарда тутилган тартибда жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга реализация қилиш;

**иштирокчи** — оммавий савдоларда иштирок этувчи талабгор ёки унинг ваколатли вакили;

**профессионал маслаҳатчи** — хусусийлаштириладиган давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига тайёрлашни ва сотишни, шунингдек у билан боғлиқ битимлар тузишни ташкил этиш мақсадида жалб қилинадиган, турли йўналишдаги маслаҳат хизматлари, шу жумладан молиявий, инвестициявий, иқтисодий ва (ёки) юридик масалалар бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик ёки жисмоний шахс (шу жумладан чет эл юридик ёки жисмоний шахси);

**талабгор** — хусусийлаштириладиган давлат мулки бўйича оммавий савдоларда иштирок этиш учун ариза берган жисмоний ёки нодавлат юридик шахс (шу жумладан чет эл юридик ёки жисмоний шахси);

**харидор** — ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари ёхуд унинг ваколатли шахси билан ушбу Қонунга мувофиқ давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича олди-сотди шартномасини ёки биржа битимини тузган шахс ёки унинг вакили;

**ҳўжалик жамияти** — акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият.

#### **4-модда. Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг асосий принциплари**

Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- очиқлик ва шаффофлик;
- ҳисобдорлик;
- тенг рақобат муҳитини таъминлаш;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

#### **5-модда. Қонунийлик принципи**

Давлат мулкани хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

#### **6-модда. Очиқлик ва шаффофлик принципи**

Давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни, шу жумладан хусусийлаштириладиган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар очиқ ва шаффоф бўлиши керак.

Давлат органлари хусусийлаштириладиган давлат мулки ҳақидаги маълумотлардан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган усулларда эркин фойдаланиш имкониятини яратиши шарт.

**7-модда. Ҳисобдорлик принципи**

Ваколатли давлат органи давлат мулкани хусусийлаштириш ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир йилда камида бир марта, сўровлар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобот беради.

Ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари тегишли ҳудудда муниципал мулкни хусусийлаштириш ҳолати тўғрисида бир йилда камида бир марта Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳисобот беради.

**8-модда. Тенг рақобат муҳитини таъминлаш принципи**

Давлат мулкани хусусийлаштириш истагини билдирган талабгор ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштириш жараёнида бошқа талабгорлар билан тенг равишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ваколатли давлат органи ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармалари талабгорларга соғлом рақобат, тенглик ва уларга нисбатан ҳолисликни таъминловчи шарт-шароитлар яратади.

**9-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи**

Давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик қўйидагиларни таъминлаш орқали амалга оширилади:

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларни бартараф этиш;

давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида давлат органлари, жисмоний ва нодавлат юридик шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шаклларини кенг жорий этиш;

давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида талабгорлар учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

давлат мулкани хусусийлаштириш тартиб-таомилларини ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бажариш.

**10-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари**

Хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари қўйидагилардан иборат:

давлат кўчмас мулк объектлари;

давлат улушлари (акциялари, улушлари);

давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари.

Давлат мулки, бундан давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки мустасно, тўлиқ ёки қисман хусусийлаштирилиши мумкин.

**11-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш субъектлари**

Ваколатли давлат органи ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда харидорлар давлат мулкани хусусийлаштириш субъектларидир.

Давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиши қонунчиликка мувофиқ тақиқланган шахслар, шунингдек иштирок этиши инсофсиз рақобатга олиб келиши мумкин бўлган талабгорлар ва уларга нисбатан аффилиланган шахслар давлат мулки хусусийлаштириладиганда талабгор бўлиши мумкин эмас.

**2-боб. Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасини тартибга солиш****12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат мулкани хусусийлаштириш чоғида давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика мулкани хусусийлаштириш дастурини белгиланган тартибда тасдиқлайди, бундан ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган давлат мулки мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан рўйхати тасдиқланган давлат иштирокидаги йирик корхоналарни хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида комиссия, ишчи гуруҳ тузилиши мумкин.

**13-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритади;

давлат мулкани хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ давлат мулкани хусусийлаштириш ишларини ташкил этади;

республика мулкани сотувчиси сифатида иш юритади, бунда унинг ҳудудий бошқармалари муниципал мулкнинг сотувчиси вазифаларини ҳам бажаради, шунингдек тегишинча хусусийлаштириладиган давлат мулканиннг олди-сотди шартномаларини имзолайди;

республика мулкани хусусийлаштириш дастурини шакллантиради ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

хусусийлаштириш дастурининг ижро этилишини ташкил этади;

давлат мулкани хусусийлаштириш муддатлари ва усулларини белгилайди, зарур ҳолларда тегишли ахборотни эълон қилиш орқали уларга ўзгартиришлар киритади;

савдога қўйиладиган давлат мулканинг бошланғич нархини белгилайди, бундан сотиш усулларига асосан бошланғич нархни эълон қилмаган ҳолда уни савдога қўйиш мустасно;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш учун бошқа баҳоловчи ташкилотни жалб этади;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар ва мезонларни давлат мулкани хусусийлаштириш усулларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди;

хусусийлаштириладиган давлат мулканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширади;

хусусийлаштиришнинг танланган усулига мувофиқ давлат мулкани реализация қилиш жараёнини ташкил этади, шу жумладан хусусийлаштиришнинг танланган усулидан келиб чиққан ҳолда электрон савдо майдончасининг операторини (бундан буён матнда оператор деб юритилади) жалб этади;

хусусийлаштириш жараёнларининг мониторингини тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширади;

давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш учун профессионал маслаҳатчилар билан белгиланган тартибда шартнома тузади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **14-модда. Махсус ваколатли давлат органларининг давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан давлат иштирокидаги алоҳида йирик корхоналарни ислоҳ қилиш вазифалари юкланган махсус ваколатли давлат органлари:

ўз фаолиятини давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликка асосан амалга оширади;

ўзларига ислоҳ қилиш учун берилган давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш ёки ўзгача тарзда тасарруф этиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади.

### **3-боб. Давлат мулкни хусусийлаштириш амалга ошириш тартиби**

#### **15-модда. Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш**

Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурлари ваколатли давлат органи ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармалари томонидан давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жисмоний ва нодавлат юридик шахсларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурлари қуйидагилар томонидан шакллантирилади:

ваколатли давлат органи томонидан — республика мулкни хусусийлаштириш дастурлари;

ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари томонидан — муниципал мулкни хусусийлаштириш дастурлари.

Давлат мулки, шу жумладан халқаро келишувларга мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳаларга кўра реализация қилинадиган давлат мулки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатли давлат органи тақлифига кўра қабул қилинган ҳужжатларига асосан тўғридан-тўғри бозор қиймати бўйича хусусийлаштирилиши мумкин.

Ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари муниципал мулкка нисбатан қуйидагиларни шакллантиради:

ваколатли давлат органи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган давлат унитар корхоналарини, давлат муассасаларини ва хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш дастурларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш дастурларини.

Тижорат банкларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат акцияларини сотиш банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талаблари инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурида давлат мулкни хусусийлаштиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари, шунингдек хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат мулкнинг рўйхати назарда тутилади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурига бир ёки бир нечта давлат мулки объекти киритилиши мумкин.

Ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг сўровларига асосан тегишли ташкилотлар давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш доирасида қуйидагиларни тақдим этади:

кадастр органларининг хусусийлаштириладиган давлат мулкининг тасарруф этилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тақиқлар ва чекловлар тўғрисидаги маълумотларини, шунингдек давлат кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ўн кунлик муддатда;

устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши хусусийлаштирилиши режалаштириладиган хўжалик жамиятлари, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари фаолияти соҳасида рақобатнинг ривожланганлик ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг ҳулосасини ўн кунлик муддатда;

объект моддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритилмаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг ҳулосасини бир ҳафталик муддатда;

аҳоли пунктларининг бош режаларига, аҳоли пунктларининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига ёки ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларига мувофиқ давлат кўчмас мулк объектларидан фойдаланишнинг келгусидаги истиқболлари тўғрисида ва мазкур объектлар банд этган ҳамда улар фойдаланишидаги ер участкаларини савдога қўйишда мулк ҳуқуқи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг ҳулосасини бир ҳафталик муддатда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш доирасида ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг сўровлари асосида тегишли ташкилотлар давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этади.

### **16-модда. Давлат мулкни хусусийлаштиришга тайёрлаш**

Ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари давлат мулкни хусусийлаштириш дастури асосида давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва унга тузатишлар киритади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси» давлат мулкни хусусийлаштириш шартларини, босқичларини, хусусийлаштириладиган давлат мулкни баҳолаш жараёнларини, давлат мулкни хусусийлаштириш муддатларини, давлат кўчмас мулк объекти тўғрисида тақдим этиладиган маълумотларни ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши масъул ижрочилар учун мажбурийдир. Бунда ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармаси давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни масъул ижрочиларга у тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборади.

Хусусийлаштирилиши тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кен-

гашларининг ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларига кўра амалга ошириладиган муниципал мулк бўйича «йўл хариталари» ваколатли давлат органининг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Давлат мулкани хусусийлаштиришга тайёрлаш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ташкил этилади.

Давлат мулкани хусусийлаштиришга тайёрлаш давлат мулкнинг таркибини аниқлашни, уни инвентаризациядан ўтказишни, баҳолашни (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказишни), шу жумладан унинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган хўжалик жамиятини, давлат унитар корхонасини ва давлат муассасасини хусусийлаштиришга тайёрлаш мақсадида, жозибadorликни ошириш ва муаммоли ҳолатларни бартараф этиш учун ваколатли давлат органи ҳузурида юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда тузилган бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармасининг (бундан буён матнда жамғарма деб юритилади) маблағлари йўналтирилиши мумкин.

Давлат мулкани хусусийлаштиришга тайёрлашда юридик шахснинг (давлат кўчмас мулк объектини балансда сақловчининг) раҳбари томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклга мувофиқ, юридик шахснинг (давлат кўчмас мулк объектини балансда сақловчининг) раҳбари томонидан тасдиқланган асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиш далолатномалари;

кўчмас мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

юридик шахснинг (давлат кўчмас мулк объектини балансда сақловчининг) раҳбари томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), таркибий бўлинмалари ва коммуникация тармоқлари тўғрисидаги маълумотлар;

корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган аудиторлик хулосалари, шунингдек корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан комплекс таҳлилий ҳисоботи;

хусусийлаштириладиган устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятининг, шунингдек давлат унитар корхонасининг молиявий ҳисоботлари ва ўтган ҳисобот йили натижалари тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

давлат мулкани хусусийлаштиришнинг танланган усулига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги, ишончилиги ва асослилиги учун юридик шахснинг (давлат кўчмас мулк объектини балансда сақловчининг) раҳбари масъул бўлади.

Давлат кўчмас мулк объектлари улар жойлашган ер участкалари билан

бирга ягона мулкӣ мажмуа сифатида хусусийлаштирилганда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳулосаси тақдим этилади.

Ваколатли давлат органи давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлилигини, бошқариш самарадорлигини, активлардан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш асосида корхонанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича экспертлар гуруҳини тузиши, шунингдек шартнома асосида профессионал маслаҳатчиларни жалб этиши мумкин.

**17-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат мулкани тасарруф этишга нисбатан чекловлар**

Хусусийлаштириладиган давлат мулкани бошқа шахсга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш, гаровга қўйиш ёки бошқача тарзда тасарруф этиш давлат мулкани хусусийлаштириш дастури қабул қилинган кундан эътиборан тақиқланади, бундан давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»да назарда тутилган ҳоллар мустасно.

**18-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкани баҳолашдан ўтказиш ва унинг бошланғич нарҳини белгилаш**

Хусусийлаштириладиган давлат мулканинг бошланғич нарҳи ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланади. Давлат мулкани хусусийлаштириш мустақил баҳоловчи ташкилотнинг, шу жумладан халқаро нуфузга эга бўлган баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида асосан амалга оширилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан ушбу Қонунда белгиланган давлат мулкани хусусийлаштириш усуллари доирасида мўлжал сифатида фойдаланилади. Ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари:

баҳоловчи ташкилотларни шартномага мувофиқ жалб этади;

хусусийлаштириладиган давлат мулканинг бошланғич нарҳини оммавий савдоларда амалдаги бозор конъюнктурасини ва ушбу давлат мулканинг қийматига таъсир кўрсатувчи омиллар жамланмасини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан баҳолаш қийматидан фарқли бўлган, қолдиқ (баланс) қиймати ёки соф активлар миқдорида мутаносиб қийматини белгилашга ҳақли.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказилади. Бунда давлат мулкани баҳолаш халқаро нуфузга эга аудиторлик компанияларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шўба корхоналари томонидан амалга оширилганда, шунингдек давлат мулки аукционга ва биржа савдоларига қўйилганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги экспертизадан ўтказилмайди.

**4-боб. Давлат мулкани хусусийлаштириш усуллари****19-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш усуллари ва уларни танлаш тартиби**

Давлат мулкани хусусийлаштириш қўйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, бундан ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно:

аукцион;

танлов савдолари;

музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш;

рақобатга асосланган мулоқот;

биржа савдолари;

давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини мулкый мажмуа тарзида хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш;

давлат улушларини ва давлат кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш;

давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини кейинчалик хусусийлаштириш шарти билан ижарага бериш.

Давлат мулкани хусусийлаштириш усулини танлаш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан, шу жумладан жалб этилган профессионал маслаҳатчининг тавсиясига асосан амалга оширилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш усулини танлаш давлат кўчмас мулк объектининг, давлат унитар корхонасининг, давлат муассасасининг ёки давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятининг ўзига хос (индивидуал, тармоққа оид, ҳудудий ва бошқа) хусусиятлари, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда хусусийлаштириш мақсадлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»га давлат мулкани хусусийлаштириш усулини ўзгартириш юзасидан тегишли ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритишга ҳақли.

Давлат мулкани хусусийлаштиришда давлат мулкани хусусийлаштиришнинг ушбу Қонунда назарда тутилган усулларида бири ёки бир нечтаси қўлланилиши мумкин.

**20-модда. Давлат мулкани аукционда хусусийлаштириш**

Аукционга давлат мулкига нисбатан муайян шартларни бажариш талаб қилинмайдиган давлат мулки (бундан давлат акциялари мустасно) қўйилади, бундан шаҳарсозлик нормалари асосидаги лойиҳа бўйича қуриш шарти билан аукционда сотиладиган давлат кўчмас мулк объектлари мустасно.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома ушбу Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ эълон қилинади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарноманинг матнига аукцион пред-

метига тааллуқли бўлмаган талабни ва (ёки) иштирокчилар ўртасидаги рақобатни чекловчи талабни киритиш тақиқланади.

Аукцион ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан тузилган шартномага асосан оператор томонидан ўтказилади.

Оператор аукцион жараёнида иштирокчиларга нисбатан камситувчи ёндашувни қўллашга, хусусан, иштирокчилардан олинган махфий ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича аукцион бошланғич нархни ошириб бориш шаклида электрон онлайн-аукцион тарзида ўтказилади.

Савдога қўйилган давлат мулки учун энг юқори сотиб олиш нархни таклиф қилган савдо иштирокчиси ғолиб деб топилади. Бунда давлат мулки учун ғолиб таклиф қилган нархдан бир поғона паст нархни таклиф қилган савдо иштирокчиси захирадаги ғолиб деб топилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат мулкнинг қуйидаги бошланғич нархларига боғлиқ равишда:

базавий ҳисоблаш миқдорининг (бундан буён матнда БҲМ деб юритилади) юз бараваригача — бошланғич нархнинг ўн беш фоизига тенг;

БҲМнинг юз бараваридан юқори, лекин БҲМнинг кўпи билан минг бараваригача — бошланғич нархнинг ўн фоизига тенг;

БҲМнинг минг бараваридан юқори, лекин БҲМнинг кўпи билан ўн минг бараваригача — бошланғич нархнинг беш фоизига тенг;

БҲМнинг ўн минг бараваридан юқори — бошланғич нархнинг уч фоизига тенг миқдорда иштирокчи томонидан аукционда иштирок этиш учун кафолат таъминоти сифатида закалат пули киритилиши керак.

Хабарнома эълон қилинган санадан эътиборан аукцион яқунлангунига қадар иштирокчи давлат мулкани сотиб олиш бўйича аукционнинг қадамига боғланмаган ва аукцион бошлангунига қадар бошқа иштирокчиларга ошкор этилмайдиган нархга оид ўз таклифини киритиши мумкин. Бу ҳолда савдо иштирокчиси томонидан киритиладиган закалат пули у таклиф этаётган нархга нисбатан белгиланади.

Ғолиб киритган закалат пули сотиб олиш нархига киритилади, қолган савдо иштирокчилари киритган закалат пули аукцион натижалари эълон қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида оператор томонидан қайтарилади. Захирадаги ғолибнинг закалат пули аукцион ғолиби билан олди-сотди шартномаси тузилганидан кейин уч иш куни ичида қайтарилади.

Агар аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини аукцион натижалари бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш куни ичида имзолашдан бош тортса, ғолиб киритган закалат пули қайтарилмайди ва оператор захирадаги ғолибга олди-сотди шартномасини тузишни таклиф қилади. Агар захирадаги ғолиб ҳам олди-сотди шартномасини ўн иш куни ичида имзолашдан бош тортса, унинг закалат пули қайтарилмайди. Бу ҳолда давлат мулкани сотиш бўйича аукцион бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда мазкур давлат мулки такрорий аукционга қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда:

агар аукцион бошлангунига қадар аукционда иштирок этишга доир битта ҳам ариза келиб тушмаган бўлса;

агар аукционда иштирок этиш учун фақат бир нафар талабгордан ариза олинган бўлса;

савдо ғолиблари аукцион натижалари бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш куни ичида давлат мулкининг олди-сотди шартномасини имзолашни рад этган тақдирда аукцион бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Такрорий аукцион давлат мулкининг нархини ошириб бориш шаклида ҳар ўн кунда бир марта ўтказилади.

Аукцион натижалари юзасидан баённома ғолиб томонидан операторнинг хизмат ҳақи тўланганидан кейинги иш кунидан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси аукцион натижалари бўйича баённома асосида тузилади ва электрон шаклда расмийлаштирилади.

Агар давлат мулки уч ой ичида аукционда сотилмаса, у ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ белгиланадиган янги бошланғич нарх билан такрорий аукционга қўйилиши мумкин.

Аукцион олти ой ичида бўлиб ўтмаган деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг қарорига кўра давлат мулкани хусусийлаштиришнинг бошқа усулидан фойдаланилиши мумкин.

Аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **21-модда. Давлат мулкани танлов савдоларида хусусийлаштириш**

Харидор зиммасига муайян шартлар юклатилган тақдирда, мазкур давлат мулки танлов савдоларида хусусийлаштирилади.

Танлов савдолари давлат мулкининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда савдо иштирокчилари учун ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан олдиндан белгиланган малакавий мезонларга асосан ўтказилиши мумкин.

Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан тузилган шартномага мувофиқ оператор томонидан амалга оширилади. Давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича танлов савдолари электрон онлайн савдолар тарзида ўтказилади.

Танлов шартлари ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома ушбу Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ эълон қилинади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги хабарноманинг матнига тан-

лов предметига тааллуқли бўлмаган талабларни ва (ёки) иштирокчилар ўртасидаги рақобатни чекловчи талабларни киритиш тақиқланади.

Талабгор танлов савдоларида иштирок этиши ҳамда давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича битим тузиш учун танлов шартлари ва мезонларига мувофиқ ҳужжатларни тақдим этиши керак.

Талабгорнинг танловда иштирок этиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида закалат пули ушбу Қонун 20-моддасининг саккизинчи қисмида назарда тутилган миқдорларда белгиланади.

Бунда ғолиб киритган закалат пули сотиб олиш нархининг суммасига киритилади, қолган иштирокчиларга эса киритилган закалат пули танлов савдоларининг натижалари эълон қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида оператор томонидан қайтариб берилади.

Ғолибни аниқлаш мезонлари молиявий ёки номолиявий бўлиши мумкин. Баҳолаш 100 балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

Танловга оид таклифларни баҳолашда ва танлов ғолибини аниқлашда давлат мулкани сотиб олиш бўйича нарх таклифига 80 баллгача ҳамда молиявий ва номолиявий шартлар суммаси тўғрисидаги таклифга 20 баллгача берилади.

Ўзининг танловга оид таклифи энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов савдоларининг ғолиби деб топилади.

Икки ва ундан ортиқ талабгорга берилган баллар тенг бўлган тақдирда, сотиб олиш нархининг энг кўп суммасини таклиф этган иштирокчи танлов савдоларининг ғолиби деб эълон қилинади. Сотиб олиш нархининг суммаси ва муайян шартлар бўйича бир хил таклифлар берилган тақдирда, танлов савдоларининг шартлари ва мезонларига мувофиқ ҳужжатларни биринчи бўлиб тақдим этган иштирокчи танлов ғолиби деб топилади.

Оператор баённома расмийлаштирилган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов савдоларининг натижалари ва яқунлари ҳақида иштирокчиларни хабардор қилади.

Қўйидаги ҳолларда давлат мулкани сотиш бўйича танлов савдолари бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади ва давлат мулки такрорий танлов савдоларига қўйилади:

агар танлов савдолари бошлангунига қадар танлов савдоларида иштирок этишга доир ариза келиб тушмаган бўлса;

агар танлов савдоларида иштирок этиш учун бир нафар талабгордан ариза олинган бўлса;

савдо ғолиби танлов савдоларининг натижалари бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш куни ичида давлат мулканиннг олди-сотди шартномасини имзолашни рад этган тақдирда.

Агар танлов ғолиби олди-сотди шартномасини имзолашни рад этса, у тўлаган закалат пули қайтарилмайди.

Такрорий танлов савдолари ҳар ўн кунда бир марта ўтказилади.

Агар давлат мулки уч ой ичида танлов савдоларида сотилмаса, у ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ белгиладиган янги бошланғич нарх билан танлов савдоларига қўйилиши мумкин.

Олти ой ичида танлов савдолари бўлиб ўтмаган деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг қарорига кўра давлат мулкани хусусийлаштиришнинг бошқа усулидан фойдаланиши мумкин.

Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **22-модда. Музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан давлат мулкани хусусийлаштириш**

Музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан давлат мулкани хусусийлаштириш унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ваколатли давлат органи томонидан ёки ваколатли давлат органининг руҳсатига асосан профессионал маслаҳатчи томонидан бир неча босқичда амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи барча манфаатдор тарафларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ иштирок этиши учун давлат мулкани сотиб олишга доир аризалар талабгорлардан қабул қилиниши тўғрисида эълон беради.

Музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш тўғрисидаги хабарнома ушбу Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ эълон қилинади. Бунда давлат мулканинг бошланғич нархи ошкор қилинмайди.

Эълонга мувофиқ келиб тушган, давлат мулкани сотиб олишга оид қизиқиш ифодаланган давлат мулкани сотиб олишга доир аризалар талабгорлардан қабул қилинади.

Ваколатли давлат органи ёки у жалб этган профессионал маслаҳатчи томонидан талабгорларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни тўғрисида ахборот тақдим этилади. Унда давлат мулкани сотиб олиш бўйича мажбурий бўлмаган нархга доир таклифларни бериш муддатлари, шунингдек ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартиб ва шартлар кўрсатилади.

Давлат мулкани сотиб олишга доир ариза берган талабгорлар билан ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим имзоланади.

Ахборотни ошкор этмаслик тўғрисидаги битимни имзолаган талабгорларга давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган дастлабки маълумотлар билан танишиш имконияти берилади.

Талабгор томонидан тақдим этилган, давлат мулкани сотиб олиш бўйича мажбурий бўлмаган нархга доир таклифлар, шунингдек талабгорнинг эълон қилинган мезонларга мувофиқлиги ваколатли давлат органи ва (ёки) профессионал маслаҳатчи томонидан ўрганилади ҳамда ўрганиш якунлари бўйича талабгорларнинг кейинги босқичга ўтиши-ўтмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Кейинги босқичга ўтган иштирокчиларга давлат мулкани хусусийлаштиришнинг мазкур жараёнига кўра давлат мулкани сотиб олиш учун мажбурий бўлган нархга доир таклифларни тақдим этиш муддатлари, тартиби ва тегиш-

ли шартлари тўғрисида ахборот ваколатли давлат органи ёки профессионал маслаҳатчи томонидан электрон ёки қоғоз шаклида юборилади.

Мазкур босқичга ўтган иштирокчиларга хусусийлаштириладиган давлат мулки бўйича солиққа оид, молиявий, ҳуқуқий ва экологик таҳлиллар билан танишиш имконияти берилади.

Қўшимча равишда иштирокчиларга хусусийлаштириладиган давлат мулкни кўздан кечириш, ваколатли давлат орган ва (ёки) профессионал маслаҳатчи билан, устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши хусусийлаштириладиган хўжалик жамиятининг бошқарув органи ёки давлат кўчмас мулк объектнинг балансида сақловчиси билан суҳбатлар ўтказиш, шунингдек олди-сотди шартномасининг лойиҳаси билан танишиш имконияти берилади.

Мазкур босқичда иштирокчилар давлат мулкни сотиб олиш бўйича мажбурий бўлган нархга доир таклифларини тақдим этади, шунингдек олди-сотди шартномасининг лойиҳаси юзасидан фикрини билдиради.

Давлат мулкни сотиб олиш юзасидан тақдим этилган мажбурий бўлган нархга доир таклифларни, шунингдек олди-сотди шартномасининг лойиҳаси бўйича таклифлар ва эътирозларни кўриб чиқиш якуналари юзасидан ваколатли давлат органи кейинги музокараларга таклиф қилинадиган иштирокчилар рўйхатини тасдиқлайди.

Ваколатли давлат органи ва (ёки) профессионал маслаҳатчи музокара жараёнида иштирокчиларга нисбатан камситувчи ёндашувни қўллашга, хусусан, иштирокчилардан олинган ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Музокаралар натижаларига кўра, савдо ғолиби таклиф этилган давлат мулкни сотиб олиш нархи бўйича олди-сотди шартномасининг энг мақбул шартлари асосида аниқланади.

Давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ҳар бир босқичи ваколатли давлат органи ёки профессионал маслаҳатчи томонидан баённома билан расмийлаштирилади.

Давлат мулкни музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотиш бўйича савдолар қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб топилади:

агар музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотиш бошлангунига қадар иштирок этишга доир битта ҳам ариза келиб тушмаган бўлса;

фақат бир нафар иштирокчи мавжуд бўлса;

иштирокчи хусусийлаштириладиган давлат мулкнинг олди-сотди шартномасини ўн иш куни ичида имзолашни рад этган тақдирда.

Давлат мулкни музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан сотиш бўйича савдолар икки мартаба бўлиб ўтмаган деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органининг қарорига кўра давлат мулкни хусусийлаштиришнинг бошқа усули қўлланилиши мумкин.

Ушбу моддада белгиланган босқичлар хусусийлаштириладиган давлат мулкнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ваколатли давлат органи томонидан қисқартирилиши, давлат мулкни сотиш жараёнининг кетма-кетлиги ва муддатлари ўзгартирилиши ёки музокаралар тўхтатилиши мумкин.

**23-модда. Давлат мулкни рақобатга асосланган мулоқот йўли билан хусусийлаштириш**

Давлат мулкни хусусийлаштиришда мазкур мулкни сотишнинг энг мақбул усулини аниқлаш учун сотиш шартлари, товар ва молия бозорларининг талаблари, инвестиция лойиҳаларининг мақсадли кўрсаткичлари аниқ бўлмаган ҳолларда, давлат мулкни сотиш рақобатга асосланган мулоқот йўли билан амалга оширилади.

Рақобатга асосланган мулоқотга таклиф қилиш тўғрисидаги хабарнома ушбу Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ эълон қилинади. Бунда давлат мулкнинг бошланғич нархи ошкор қилинмайди.

Рақобатга асосланган мулоқотга таклиф қилиш тўғрисидаги хабарноманинг матнида рақобатга асосланган мулоқот предметига тааллуқли бўлмаган талаблар, шунингдек хусусийлаштириладиган давлат мулки бўйича талабгорларга нисбатан шартлар, мезонлар ва талаблар назарда тутилмайди.

Ваколатли давлат органи ўз таклифларини берган рақобатга асосланган мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири билан алоҳида музокаралар ўтказди, шунингдек қўшимча равишда рақобатга асосланган мулоқотнинг барча иштирокчилари билан давлат мулкни хусусийлаштиришнинг айрим жиҳатларини муҳокама қилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи давлат мулкни рақобатга асосланган мулоқот йўли билан хусусийлаштиришнинг барча босқичларида профессионал маслаҳатчиларни жалб қилишга ҳақли.

Музокаралар жараёни ва натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Музокаралар жараёнида берилган таклифлар ва уларнинг натижалари асосида савдога қўйиш шартлари ва мезонлари, талабгорлар учун савдода иштирок этишга доир йўриқнома, хусусийлаштириладиган давлат мулки олди-сотди шартномасининг лойиҳаси тайёрланади.

Ваколатли давлат органи таклифлар берган иштирокчиларга давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича мажбурий бўлган нархга доир таклифини, шунингдек, мавжуд бўлган тақдирда, давлат мулкдан фойдаланиш бўйича муайян шартларини тақдим этиш тўғрисида хабарнома юборади.

Иштирокчилар томонидан таклифларни бериш муддати рақобатга асосланган мулоқотни ўтказиш тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган кундан эътиборан олти кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Иштирокчиларга хусусийлаштириладиган давлат мулкнинг солиққа оид, молиявий, ҳуқуқий ва экологик таҳлиллари билан танишиш имконияти берилади. Бу ҳолда иштирокчилар билан ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим имзоланади.

Таклифларни бериш муддати тугагунига қадар иштирокчи ўзининг таклифлар мавжуд бўлган ҳужжатларида кўрсатилган шартларга асосан аввалги таклифини ўзгартиришга ёки чақириб олишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда, ваколатли давлат органи ва (ёки) профессионал маслаҳатчи энг яхши таклиф берган иштирокчини олдиндан белгиланган йўриқномалар ҳамда мезонларга асосан

танлайди. Бунда иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Ваколатли давлат органи ва (ёки) профессионал маслаҳатчи энг яхши таклифни берган иштирокчи билан музокаралар олиб боради. Музокаралар натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Таклифи, шу жумладан сотиб олиш нархига доир таклифи энг яхши деб топилган иштирокчи голиб деб топилади ва у билан хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича рақобатга асосланган мулоқот қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади:

агар рақобатга асосланган мулоқот йўли билан сотиш бошлангунига қадар иштирок этишга доир битта ҳам ариза келиб тушмаган бўлса;

фақат бир нафар иштирокчи мавжуд бўлса;

голиб хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг олди-сотди шартномасини ўн иш куни ичида имзолашни рад этган тақдирда.

Рақобатга асосланган мулоқот икки мартаба бўлиб ўтмаган деб топилган тақдирда, давлат мулкини хусусийлаштиришнинг бошқа усули ваколатли давлат органининг қарори билан қўлланилиши мумкин.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ваколатли давлат органи сотиш жараёнининг ушбу моддада белгиланган кетма-кетлигини ва муддатларини ўзгартириши ёки музокараларни тўхтатиши мумкин.

#### **24-модда. Давлат акцияларини биржа савдолари орқали хусусийлаштириш**

Давлат акцияларини биржа савдолари орқали хусусийлаштириш «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат акцияларини хусусийлаштиришда ваколатли давлат органи томонидан давлат акцияларини хусусийлаштиришнинг бошқа усулидан фойдаланилиши мумкин.

#### **25-модда. Давлат улушларини ва давлат кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятларининг устав фондларига (устав капиталларига) киритиш орқали хусусийлаштириш**

Давлат улушларини ва кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятларининг устав фондларига (устав капиталларига) киритиш орқали хусусийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

давлат улуши иштирокида ташкил этиладиган хўжалик жамиятлари таъсис этилганда;

хўжалик жамиятларининг устав фондлари (устав капиталлари) давлат улуши ҳисобидан оширилганда.

Давлат улушларини ва кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятла-

рининг устав фондларига (устав капиталларига) киритиш давлат мулкани хусусийлаштириш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат улушларини ва кўчмас мулк объектларини хўжалик жамиятларининг устав фондларига (устав капиталларига) киритиш баҳоловчи ташкилотнинг давлат улушлари ва давлат кўчмас мулк объектларининг қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида белгиланган миқдорда ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг буйруқлари билан амалга оширилади.

### **5-боб. Давлат унитар корхонасини ва давлат муассасасини хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

#### **26-модда. Давлат унитар корхонасини ва давлат муассасасини хусусийлаштиришнинг умумий тартиби**

Давлат унитар корхонасини ва давлат муассасасини хусусийлаштириш қуйидаги усуллардан бирдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

хўжалик жамияти этиб ўзгартириш орқали давлат улушларини реализация қилиш;

мулкий мажмуа сифатида сотиш;

мулкий мажмуани хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида киритиш;

давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини келгусида хусусийлаштириш шарти билан ижарага бериш.

Давлат унитар корхонаси ва давлат муассасаси давлат мулкани бошқариш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамияти этиб ўзгартирилади.

Хўжалик жамиятининг устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши ушбу Қонунда белгиланган усуллардан бири билан реализация қилинади.

Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси танлов савдоларида ёки музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш йўли билан мулкий мажмуа сифатида сотилади.

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини хусусийлаштириш тўғрисидаги хабарнома ушбу Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ эълон қилинади.

Давлат унитар корхонаси ёки давлат муассасаси хусусийлаштирилганда уни ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш хусусийлаштирилаётган давлат мулканинг олди-сотди шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида давлат унитар корхонасининг ёки давлат муассасасининг меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқий ворислиги қонунчиликда белгиланган тартибда харидорга ўтади.

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини хусусийлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилмаган тақдирда, ваколатли давлат органи уни қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида ташаббус билан чиқиши мумкин.

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини кейинчалик хусусийлаштириш шарти билан хўжалик жамиятига ижарага бериш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Бунда давлат унитар корхонасининг ёки давлат муассасасининг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнидаги келгуси фаолиятини назорат қилиш мақсадида чекланган муҳитда (қамров ҳудуди, ижара муддати, фаолият соҳаси, ходимлар сони, ишлаб чиқариш (хизматлар) ҳажми ва бошқалар) синовдан ўтказиш учун «тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими жорий этилиши мумкин.

«Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини жорий этиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

**27-модда. Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини мулкӣ мажмуа тарзида хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш**

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини мулкӣ мажмуа тарзида хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш хўжалик жамияти бошқарув органларининг мазкур мулкни жамиятнинг устав фондида (устав капиталига) киритиш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан кейин белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш ваколатли давлат органининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ваколатли давлат органи ҳар йили мазкур хўжалик жамияти иштирокчиларига (акциядорларига) давлат акцияларининг (улушларининг) бир қисмини бозор қийматида сотиб олиш тўғрисида таклиф беради. Бунда давлат унитар корхонасини ёки давлат муассасасини мулкӣ мажмуа тарзида хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталига) давлат улуши сифатида киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин 5 йил ичида бошқа иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) улуши 51 фоиздан ортиқни ташкил этиши керак.

Иштирокчилар (акциядорлар) томонидан таклиф этилган давлат улушларини (акцияларини) сотиб олиш рад этилган тақдирда, мазкур улушлар (акциялар) давлат мулкани хусусийлаштиришнинг ушбу Қонунда белгиланган усулларида фойдаланган ҳолда хусусийлаштирилиши лозим.

**6-боб. Давлат мулкани хусусийлаштиришда талаблар**

**28-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулканинг харидорига нисбатан талаблар**

Хусусийлаштириладиган давлат мулканинг харидорига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш объектини тегишли ҳолатда сақлашга қаратилган муайян ишларни амалга ошириш шартлари;

фуқаро муҳофазаси, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш объектларининг ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг, давлат мулкини хусусийлаштириш объекти таркибига кирмайдиган, лекин техник тавсифларига ва жойлашган ерига (кўчмас мулк объектлари) кўра, хусусийлаштириладиган давлат мулкининг ажралмас қисми ҳисобланадиган объектларнинг таъминоти;

ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (ўтиш, транспортда ташиш, чегаравий, геодезик белгиларни ва бошқа белгиларни жойлаштириш имконияти, электр узатиш, алоқа линияларини ва қувурларни, сув таъминоти, канализация ва мелиорация тизимларини таъминлашга доир мажбурият, шунингдек улардан фойдаланиш имконияти) ва қонунчиликка мувофиқ бошқа талаблар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Хусусийлаштирилган давлат мулкини бошқа шахсларга ўтказиш кўрсатилган талабларнинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди ва ушбу талаблар кейинги харидорга ўтказилади.

### **29-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг харидорига қўйиладиган талабларни бекор қилиш**

Давлат мулкининг харидорига қўйиладиган талабларни бекор қилиш ёки уларнинг шартларини ўзгартириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

белгиланган талабларга зарурат мавжуд бўлмаганда ёки улар бекор қилинганда;

давлат мулки объектдан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмаса.

Давлат мулкининг харидорига қўйиладиган талабларни бекор қилиш ёки уларнинг шартларини ўзгартириш ушбу талабларни белгилаш ҳақида қарор қабул қилган органнинг қарорига ёки суднинг ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

### **7-боб. Хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш**

### **30-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш**

Хусусийлаштириладиган давлат мулки бўйича:

давлат кўчмас мулк объектнинг олди-сотди шартномаси ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари, харидор ҳамда балансда сақловчи иштирокида, шу жумладан электрон шаклда тузилади;

давлат муассасаларининг, давлат унитар корхоналарининг, хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушининг олди-сотди шартномаси ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари ва харидор ўртасида, шу жумладан электрон шаклда тузилади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаларини

рўйхатдан ўтказиш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаларида қуйидаги маълумотлар ва шартлар бўлиши керак:

тарафларнинг номи ва манзили;

шартномани тузиш учун асос;

сотиб олиш тўловини амалга ошириш миқдори, тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг мажбуриятлари, шу билан бирга сотилаётган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқини сотувчидан харидорга ўтказиш, шу жумладан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни бериш шартлари, тартиби ва кетма-кетлиги;

шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ва ўз вақтида бажарилмаганлиги юзасидан тарафларнинг жавобгарлиги, неустойка миқдори ҳамда уларни тўлаш шартлари;

давлат мулкини хусусийлаштиришнинг шартлари бажарилмаган ёки ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, харидор тўлаши лозим бўлган неустойка суммаси;

низоларни ҳал қилиш тартиби, шартномани бекор қилиш шартлари, қўлланиладиган ҳуқуқ, форс-мажор вазиятлар юзага келган тақдирда ҳаракатларни белгилаш ва уларни бажариш тартиби, шартноманинг тили, нусхаларнинг сони, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари, шартноманинг кучга кириш санаси;

тарафларнинг иловалар тарзидаги кафолатлари.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида зарур бўлганда қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

тўловларни кечиктириш ва шартнома шартларини бажариш даврида харидорнинг хусусийлаштириладиган давлат мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шартлари;

шартномада кўрсатилган шартлар бажарилишини тасдиқлаш тартиби ва мезонлари.

Балансда сақловчи сотилган давлат кўчмас мулк объектнинг олди-сотди шартномаси имзоланган кундан эътиборан беш иш куни ичида ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармаси иштирокида қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштиради ва мазкур давлат кўчмас мулк объектини харидорга топширади.

Биржа савдоларида давлат акциялари бўйича битимлар амалга оширилганда хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси расмийлаштирилмайди, биржа битими эса олди-сотди шартномасига тенглаштирилади.

### **31-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулки учун тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартлари**

Харидор томонидан сотиб олинаётган давлат мулки учун тўлов бир ой ичида амалга оширилади, бундан ушбу модда иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қонунчилик ҳужжатларида сотиб олинаётган давлат мулки учун узоқроқ бўлган тўлов муддати назарда тутилган бўлиши мумкин, қоида тариқасида, у хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида кўрсатилган санадан эътиборан уч йилдан кўп бўлмаслиги керак. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида биринчи тўлов киритилгандан кейин қолган суммани тўлаш шarti ҳам назарда тутилиши керак. Бунда, агар бир ой давомида киритилган биринчи тўлов суммаси харидор томонидан сотиб олинган давлат мулки нархининг ўттиз беш фоизидан камини ташкил этса, қолган суммага Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси миқдоридан йиллик фоизлар ҳисобланади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Тўлов муддатлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, савдо санасидаги белгиланган БҲМдан келиб чиққан ҳолда сотиб олиш тўловларининг суммасига қараб қўйидаги тарзда белгиланади:

БҲМнинг уч минг бараваригача — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг уч минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг олти минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг олти минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн икки минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн икки ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн икки минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн беш минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўн саккиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн беш минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг ўн саккиз минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг ўн саккиз минг бараваридан юқори, бироқ БҲМнинг йигирма минг бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БҲМнинг йигирма минг бараваридан юқори бўлганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан эътиборан ўттиз олти ойдан кўп бўлмаган муддатда.

Бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилаётган давлат мулки қийматининг камида ўттиз беш фоизи миқдоридан дастлабки тўловни бир ой ичида амалга оширган харидор қонунчиликда белгиланган шартлар асосида ушбу давлат мулкани кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқини олади. Бунда харидор тўловларнинг қолган қисми учун тегишли суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмасликка оид суғурта полисини ва (ёки) тўлов мажбуриятлари бўйича сотувчи олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи банк кафолатини келгуси тўловлар таъминоти сифатида тақдим этади. Бошқа ҳолларда давлат мулкани мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар кредит бўйича таъминот сифатида гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

**32-модда. Хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби**

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича барча мажбуриятлар бажарилганидан кейин, шу жумладан пенянинг (мавжуд бўлганда) бутун суммаси тўланганда тўлов тўлиқ ҳажмда келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида харидорга давлат хизматлари марказлари орқали ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали воситасида QR-код қўйилган ҳолда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

давлат кўчмас мулк объектларини, давлат муассасаларини, давлат унитар корхоналарини ва давлат улушларини хусусийлаштириш чоғида ушбу Қонуннинг иловасига\* биноан белгиланган шакл бўйича ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган давлат ордери;

давлатга тегишли акциялар сотилганда «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма.

Хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ шаклдаги мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери ёки депо ҳисобварағидан кўчирма олинганидан кейин харидорга ўтади. Бунда мазкур объект билан бирга харидорга объект эгаллаган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтади, бундан «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат мулкини хусусийлаштириш субъектлари бўлмаган шахслар мустасно.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар давлат мулкини тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида қайдлар киритилади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

**33-модда. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар**

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармада жамланади.

Жамғарма Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киради. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг асосий параметрлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қонун билан тасдиқланади. Жорий молия йилининг якуни бўйича маблағлар қолдиғи олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади.

Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг манбалари, уларни бошқариш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланади.

**34-модда. Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини харидор томонидан бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик оқибатлари**

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар қонунчиликка ва хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар харидор томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари харидорга сотиб олиш тўловларини тўлаш муддатларига риоя этилмаётганлиги ва (ёки) давлат мулкани хусусийлаштиришнинг шартларини белгиланган муддатларда бажариш ҳамда хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасига мувофиқ ахборот тақдим этиш тўғрисида ёзма талаб (хабарнома) юбориши шарт.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиация тартиб-таомилларини ўтказиш чораларини кўришга ҳақли.

Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларининг харидор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади.

Харидор хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ваколатли давлат органига хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномасида белгиланган миқдорда неустойка тўлаши шарт.

**8-боб. Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида очиқликни таъминлаш**

**35-модда. Давлат мулкани хусусийлаштиришда очиқлик**

Давлат мулкани хусусийлаштириш ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот ваколатли давлат органининг ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармаларининг, жалб қилинган савдолар ташкилотчисининг ҳамда инвестиция воситачисининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ваколатли давлат органи давлат мулкани хусусийлаштириш дастури тўғрисидаги ахборотни ушбу дастур тасдиқланган ёки унга ўзгартиришлар

киритилганидан кейин ўн кун ичида ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиши шарт. Хусусийлаштириладиган давлат мулки тўғрисидаги ахборот (хабарнома) савдолар бошланадиган санага ёки кўрсатилган давлат мулкига оид аризаларни қабул қилиш санаси тугашига қадар камида ўттиз кун олдин ваколатли давлат органининг, савдолар ташкилотчисининг, инвестиция воситачисининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Хусусийлаштириладиган давлат мулки тўғрисидаги ахборот (хабарнома) марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши мумкин.

Давлат мулкини сотишга тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш жараёнига жалб этилган профессионал маслаҳатчилар тўғрисидаги ахборот уч иш кун ичида ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак.

Савдо ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада ваколатли давлат органи ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланадиган, хусусийлаштириладиган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар (давлат мулкининг турига, ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланадиган фаолият йўналишига, шунингдек соҳаларига, корхонанинг молиявий кўрсаткичларига, ер участкасининг майдонига, бинолар ва иншоотларнинг майдонига, техник ҳолатига, муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланганлигига қараб ва ҳоказо), савдолар ўтказиладиган сана, савдоларнинг предмети ва уларни ўтказиш тартиби, савдоларда иштирок этиш учун аризани расмийлаштириш тартиби, давлат мулки хусусийлаштирилишида талабгорлар учун белгиланган мезонлар, шунингдек, агар назарда тутилган бўлса, бошланғич нарх ҳақидаги маълумотлар ҳамда бошқа шартлар бўлиши керак.

Савдоларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот (шу жумладан харидор тўғрисидаги ахборот: жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахс учун — номи, давлат мулкини сотиб олиш нархи ва битимнинг бошқа муҳим шартлари) ваколатли давлат органи, савдолар ташкилотчиси ва инвестиция воситачиси томонидан битим тузилган санадан эътиборан уч иш кун ичида оммавий савдолар ўтказилиши тўғрисидаги хабар аввал эълон қилинган айнан ўша оммавий ахборот воситаларида, шунингдек расмий веб-сайтларда эълон қилиниши керак.

Бунда харидор ва хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишда харидор билан тузилган ахборотни ошкор қилмаслик ҳақидаги шартнома шартларига риоя этилади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш дастури бажарилишининг бориши, шу жумладан давлат мулкини сотиш усуллари, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган пул маблағлари, битимларнинг муҳим шартлари ҳақидаги ҳисоботлар ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш натижалари ҳамда ҳар бир давлат мулки бўйича сотиш жараёнларининг бориши тўғрисидаги ҳисобот ваколат-

ли давлат органининг ва (ёки) унинг ҳудудий бошқармаларининг расмий веб-сайтида ўн кунлик муддатда эълон қилиниши керак.

**36-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги ҳисоботни ошкор қилиш**

Ваколатли давлат органи ҳар йили 1 апрелга қадар ўтган йил учун давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади. Унда ўтган йил учун давлат мулкани хусусийлаштириш натижалари, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган пул маблағлари, шунингдек жорий йилдаги, шу жумладан яқин келажакка мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар, давлат мулкани хусусийлаштириш соҳалари ва йўналишлари тўғрисидаги ахборот акс эттирилиши керак.

**9-боб. Яқунловчи қоидалар**

**37-модда. Хусусийлаштириш жараёнларининг мониторингини ўтказиш**

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, сотиб олиш нархининг тўлови, хусусийлаштириладиган давлат мулки олди-сотди шартномасининг шартлари харидор томонидан бажарилиши устидан назорат олди-сотди шартномасига мувофиқ ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Мажбуриятларнинг харидор томонидан бажарилиши юзасидан мониторинг харидор шартларни тўлиқ бажаргунига қадар амалга оширилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнлари юзасидан мониторинг ўтказиш мақсадида ваколатли давлат органи ёки унинг ҳудудий бошқармалари: давлат мулкани хусусийлаштириш шартлари хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда бажарилиши мониторингини амалга оширади;

хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномалари бажарилмаганлиги сабаблари ҳақидаги ахборотни харидордан сўраб олади;

хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномаларида кўрсатилган шартлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ушбу шартномаларда назарда тутилган чораларни кўради.

**38-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**39-модда. Хусусийлаштирилган давлат мулканинг кафолатлари ва ҳимоя қилиниши**

Хусусийлаштириш жараёнида юзага келган хусусий мулк дахлсиздир.

Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.

Собиқ мулкдорларнинг ҳуқуқлари суд томонидан тикланган тақдирда, ушбу Қонун талабларига мувофиқ хусусийлаштирилган, суднинг ҳукмига, ҳал қилув қарорига (қарорига) асосан давлат даромадига ўтказилган ёки ихтиёрий равишда ўтказилган жисмоний ва юридик шахснинг мулкани натура шаклида қайтаришга йўл қўйилмайди, мазкур мулкнинг бозор қиймати эса жамғарманинг бошқа давлат мулкани сотишдан келиб тушган маблағлари ҳисобидан қопланади.

#### **40-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **41-модда. Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–728-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1060-модда, № 6, 577-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

**19-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «электрон онлайн-аукционга» деган сўзлар «қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий савдоларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26-модданинг иккинчи қисми** «электрон онлайн-аукционга» деган сўзлардан кейин «ёки бошқа оммавий савдоларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартда қабул қилинган **«Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»**ги ЎРҚ–821-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 3, 183-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «(аукционлар, танловлар ёки музокараларга оммавий таклиф этиш йўли билан)» деган сўзлар «(аукционлар, танловлар, музокараларга оммавий таклиф этиш йўли билан ва бошқалар) ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 426–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 44-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 852–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 236-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 2022–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 11-12, 285-модда) **X бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 118–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда) **XI бўлими**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 549–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) **III бўлими**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **I бўлими**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 447–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) **II бўлими**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 3 апрелда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим

**қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»**ги ЎРҚ–27-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган **«Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–257-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 337-модда) **1-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–281-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 97-модда);

12) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **1-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **1-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **3-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **3-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **2-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-**

**тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **3-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган **«Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **3-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–559-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 470-модда) **1-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **1-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–597-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 891-модда) **1-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда) 28-моддасининг 1-банди;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–770-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 5, 464-модда) **2-моддаси**.

**43-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**45-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши у кучга киргунига қадар давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисидаги хабарномалар жойлаштирилган ёки хусусийлаштириладиган давлат мулканинг олди-сотди шартномасини тузиш ҳақидаги таклифлар (оферталар) юборилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 февраль,  
ЎРҚ-907-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **59 Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди.

Шунингдек, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги 289,9 миллион АҚШ доллари миқдорига озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди.

Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш, бозорда рақобатбардош маҳсулотлар турини янада кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга ва экспорт кўрсаткичларини 2 бараварга ошириш мақсадида:

1. Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун:

а) «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 80 миллион АҚШ доллари ва «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» ҳамда «Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш» лойиҳалари доирасида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 40 миллион АҚШ долларини йўналтириш бўйича Жаҳон банки ва Франция тараққиёт агентлиги билан келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда:

2024 йил 1 июлга қадар «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳаси доирасида жалб қилинган 100 миллион АҚШ долларини озиқ-овқат йўналишидаги

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 февралда эълон қилинган.

лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш масаласини Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан келишсин;

қайд этиб ўтилган халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 45 миллион АҚШ долларини белгиланган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни айланма маблағлар билан таъминлашга йўналтирсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 220 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2024 йил 1 мартга қадар тижорат банкларига йўналтирилади. Бунда тижорат банклари томонидан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан банк маржаси 4 фоиз) миллий валютада:

озиқ-овқат йўналишидаги, соҳада маҳсулот етиштиришдан тортиб уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун — 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан;

айланма маблағлар учун — 18 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан имтиёзли кредитлар ажратилади;

б) экспорт қилувчи корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга экспортolni ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун 2 йил муддатгача улар томонидан охирги 12 ой давомида экспорт ҳажми:

100 минг АҚШ долларида 1 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 100 минг АҚШ долларигача;

1 миллион АҚШ долларида 2 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 1 миллион АҚШ долларигача;

2 миллион АҚШ долларида 4 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

4 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача молиявий ресурслар ажратилади.

Бунда:

молиявий ресурслар йиллик 4 фоиз ставкадан (шундан 2 фоизи банк маржаси) ошмаган миқдорда тақдим этилади;

экспорт қилувчилар томонидан айланма маблағлар олингандан сўнг келгуси йилда экспорт ҳажми камида 20 фоизга ошмаган тақдирда, имтиёзли кредит тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

в) озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ва экспорт қилувчилар томонидан хорижий давлатларда савдо уйи ва дўконларини ташкил этиш учун алоҳида қарорларсиз йилига 50 минг АҚШ долларигача маблағни хорижий ҳисоб рақамларга ўтказишга рухсат берилади.

3. Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда

уч ой муддатда кичик саноат зоналари таркибида озиқ-овқат саноати технопаркларини ташкил этиш юзасидан асосланган таклифларни ишлаб чиқиб, тегишли қарорларни кўриб чиқиш учун тегишинча халқ депутатлари вилоят Кенгашларига киритсин. Бунда:

молиялаштириш манбаи сифатида хорижий молия институтлари маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳамда тадбиркорларнинг ўз маблағларини белгилаш;

озиқ-овқат саноати технопаркларида амалга ошириладиган асосий фаолият дастурларини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари учун озиқ-овқат саноати технопаркларида бевосита ва рақамли хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш;

халқаро ва маҳаллий мутахассисларни жалб этган ҳолда, ёшларни касбга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини мустақил тайёрлашга ўргатиш майдончаси ташкил этишни назарда тутсин.

#### 4. Белгилансинки:

а) кичик саноат зоналари учун татбиқ этилган имтиёзлар улар таркибида ташкил этилган озиқ-овқат саноати технопаркларига ҳам жорий қилинади;

б) кичик саноат зоналари таркибидаги озиқ-овқат саноати технопаркларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун ажратиладиган ер участкалари бўйича маблағлар электрон онлайн аукцион савдолари фолиблари томонидан уч йил давомида тенг улушларда тўлаб берилади;

в) 2024 йил 1 январдан:

Халқаро аккредитация форуми (IAF) томонидан кўп томонлама тан олиш битимига киритилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирида халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда зарур бўлган ускуна ва лаборатория жиҳозларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин 500 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидиялар ажратилади;

Йиллик тушумида тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари экспортдан тушум улуши камида 30 фоизни ташкил қиладиган ҳамда ҳар йили 1 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги экспортни амалга оширувчи маҳаллий корхоналар томонидан инженер-технолог, маркетинг, дизайнер ва халқаро стандартлар бўйича хорижий мутахассислар жалб қилинганда, уларга ҳисобланган иш ҳақининг 30 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баробаридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

Бунда, мазкур кичик банддаги тадбирларни молиялаштириш манбаи этиб Винчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар, халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган лаборатория ускуналарини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳамда инженер-технолог, маркетинг, дизайнер ва халқаро стандартлар бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, Инвестициялар, саноат ва савдо

вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясининг мақсадли индикаторлари 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида 2024 — 2028 йилларда озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Стратегиянинг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш ҳамда аҳолининг барча қатламлари соғлом ва фаол ҳаёт кечириши учун табиий, молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарали иқтисодий ва экологик бошқарув тизимларини жорий қилиш;

эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган механизмлар орқали стратегик аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларнинг хомашё захираларини яратиш;

озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш жараёнида табиий ва техноген офатлар, глобал сиёсий ва иқтисодий инқирозлар, пандемия, ҳарбий амалиёт ва бошқа ҳодисаларнинг салбий таъсири оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, шунингдек, хабардор қилиш ва мониторинг платформасини яратиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ижтимоий ҳимоя миллий тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилиш, соғлом овқатланиш тамойиллари ва уларга риоя қилиш амалиётларини кенг тарғиб этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Арипов):

Стратегияда белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши ва бу борадаги кўрсаткичларга эришиш устидан доимий мониторинг юритиш ва натижаларнинг халқаро рейтингларда акс эттирилиши бўйича зарур чора-тадбирларни белгиласин;

\* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ой муддатда Стратегиянинг ҳар бир асосий йўналиши бўйича етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислардан иборат таркибда доимий ишловчи ишчи гуруҳларни халқаро молия ташкилотлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар грантлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгиланган ҳолда шакллантириш чораларини кўрсин;

Стратегия ва «йўл харитаси»ни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ўз муддатида ва сифатли ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда киритилиши устидан таъсирчан назоратни таъминласин;

ҳар чоракда Стратегия ва «йўл харитаси» бўйича бажарилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот тақдим этиб борсин.

Белгилансинки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Стратегияни ва «йўл харитаси»ни амалга ошириш доирасида Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ҳамда унинг фаолиятини таҳлилий ва ташкилий жиҳатдан таъминлайди.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Статистика агентлиги:

2025 йил якунига қадар озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмоли соҳасида салоҳиятни барқарор ривожлантириш, хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва мониторингини юритиш ҳамда хавф-хатарлар тўғрисида эрта хабардор қилишни ташкил этиш мақсадида яхлит идоралараро Миллий ахборот платформасини ишлаб чиқсин;

2025 йил 1 мартга қадар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларнинг бозордаги нарх-наволари тўғрисидаги доимий, ишончли ва аниқ маълумотлар билан таъминлайдиган «Электрон агросаноат бозори» ахборот тизимини ишга тушириб, Миллий ахборот платформаси билан интеграциясини таъминласин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази билан биргаликда асосий импорт қилувчи мамлакатларда ички бозорлардаги нархлар динамикаси, маҳсулот етиштириш прогнозлари, уларнинг ўзгаришлари бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантирсин ҳамда ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин;

2024 йил 1 мартга қадар озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ташиш инфратузилмасини замон талаблари асосида ривожлантириш ва мавжудларини модернизация қилиш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, деҳқон бозорларида маҳсулотларни бевосита етиштирувчилар томонидан истеъмолчиларга сотиш бўйича алоҳида расталарни ташкил этиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг сақлаш имкониятларини яратиш инobatга олинсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда озиқ-овқат саноатини хомашё билан кафолатли таъминлаш мақсадида ижтимоий дафтарларга кирган фуқароларга ва деҳқон хўжаликларига ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қизиқишини ошириш ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятларини кенгайтириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиб, 2024 йил 1 апрелга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий сабзавот экинларининг серҳосил, касалликларга ва қурғоқчиликка чидамли маҳаллий навларини яратиш, уларнинг уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий уруғликлар билан таъминлаш дастурини;

глобал иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида сув таъминоти ёмон бўлган ва лалми ерларда мойли экинлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари ҳамда чорва озуқа экинларини тупроққа «ноль» ишлов бериш (No-Till) технологияси асосида етиштириш дастурини;

қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтиришда шўр ювиш тадбирини биологик усулларга алмаштириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар ижтимоий дафтарларга кирган фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотларини бозор нархларида харид қилиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ёшларни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қизиқишини ошириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қадоқланган ўсимлик ёғини рақамли маркировкалаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга оширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини 2024 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, қишлоқ

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 16 февраль,  
ПФ–36-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 16 февралдаги  
ПФ–36-сон Фармонида  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом  
озиқланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган  
СТРАТЕГИЯСИ**

**Умумий қоидалар**

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, мавжуд ер, сув ва бошқа ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, замонавий ва интенсив технологияларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, экин майдонларидан йил давомида самарали фойдаланиш ҳисобига асосий, оралик ва тақрорий экин сифатида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат экинлари экилиб, улардан юқори ҳосил етиштирилиб, нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорларда ҳам савдо ҳажмини оширишга имконият яратилди.

Аграр ва озиқ-овқат соҳаларининг ҳар бир тармоғини янги ва интеграциялашган ёндашув асосида бошқаришга ўтилиши, ушбу тармоқларнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва қўшимча қийматни ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг озиқ-овқат хавфсизлигини ва соғлом овқатланишини таъминлаш зарурати давлат сиёсатини янгича ва халқаро тан олинган илғор амалиётга ёндашган ҳолда юритишни талаб этмоқда.

Сабаби, бугунги кунда атроф-муҳит ва табиий ресурсларга инсонлар ва ҳайвонот оламининг таъсири кучайиб бориши, барқарор бўлмаган қишлоқ

хўжалиги амалиётлари, исрофгарчилик, илғор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётганлиги, иқлим исиши, сув танқислиги, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши, тупроқ унумдорлигининг пасайиб, деградацияга учраши бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, 2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар қаторига кириши мақсад қилинган. Бу истеъмолчиларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш рационали тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, овқатланиш меъёрларини жорий қилиш (шу жумладан, зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, зарарли моддалар, турли қўшимчалар, ветеринария препаратлари, бўёқлар, таъм берувчилар, эмульгаторлардан фойдаланишни ҳамда маҳсулотларни тайёрлаш, ишлов бериш, ташиш ва сақлаш технологияларига риоя этилишини назорат қилиш), шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат қиймат занжиридаги барча жараёнларни такомиллаштириш учун янада самарали қўллаб-қувватлаш, назорат ва тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон аҳолиси учун озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишнинг халқаро миқёсда тан олинган таърифларига мувофиқ — озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги, фойдалана олиш имконияти, истеъмол, барқарорлик ва доимийлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг стратегик мақсади — мамлакат аҳолисини етарли ҳажмда хавфсиз, сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда ҳозирги ва истиқболдаги истеъмол эҳтиёжлари ва рацион меъёрлари даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом овқатланишни тарғиб қилишдан иборат.

Шу билан бирга, Стратегияда Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар ва савдо келишувларига аъзо бўлишида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш зарурати ҳисобга олинган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш масаласи Ўзбекистон барқарор ривожланишининг ажралмас қисми бўлиб, унга тўртта мақсадни амалга ошириш орқали эришиш керак:

1-мақсад. Ўзбекистоннинг барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимини барча учун етарли даражада озиқ-овқат мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида мустаҳкамлаш. Қуйидагилар ушбу мақсадга эришиш учун энг муҳим вазифалар ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш;

озиқ-овқат таъминоти занжирида маҳсулотлар йўқотилиши ва исрофгарчилигини камайтириш;

табiiй ресурслар, ер, сув ва озиқ-овқат захираларини барқарор бошқариш;

трансчегаравий ҳайвонлар касалликлари ва ўсимликлар зараркунандаларига қарши курашиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини барқарор ошириш учун қишлоқ жойларда маслаҳат-ахборот тизимларини ва билимларни ошириш хизматларини такомиллаштириш.

2-мақсад. Ҳар бир инсонда озиқ-овқатдан фойдаланиш имконияти бўлиши учун инклюзив, самарали ва боғланган бозорларни яратиш. Қўйидагилар ушбу мақсадга эришиш учун энг муҳим вазифалар ҳисобланади:

кичик хўжаликларнинг қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат қиймат занжирларига кириш имкониятини яхшилаш;

қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш учун бозор рақобатини ва боғлиқлигини кучайтириш;

ички бозорларнинг халқаро савдо тизими билан боғлиқлигини мустақамлаш.

3-мақсад. Соғлом озиқ-овқат муҳитида тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тананинг ўзлаштира олишини рағбатлантириш. Қўйидагилар ушбу мақсадга эришиш учун энг муҳим вазифалар ҳисобланади:

соғлом ва мувозанатли овқатланишни (диетани) тарғиб қилиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва мустақамлаш;

озиқ-овқатлардан самарали фойдаланиш учун уларни ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш.

4-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашдаги барча жараёнларда барқарорликка эришиш. Қўйидагилар ушбу мақсадга эришиш учун энг муҳим вазифалар ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда улар бозорларининг табиий-техноген офатлар ва иқлим ўзгариши хавфларига чидамлилигини кучайтириш;

ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор алоқаларини аниқ дастур ва «йўл хариталари» асосида тизимли ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларда озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш имкониятларини ошириш.

Мазкур Стратегия иккита асосий бўлимдан иборат:

I бўлим — Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўлими учта устувор йўналишни қамраб олади:

1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг барча қатламлари соғлом ва фаол ҳаёт кечириши учун табиий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарали иқтисодий ва экологик бошқарув тизимларини жорий қилиш.

2. Фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун самарали бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган стратегик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг давлат назорати остидаги захирасини яратиш.

3. Табиий ва техноген офатлар, глобал сиёсий ва иқтисодий инқироз,

пандемия, ҳарбий амалиёт ва бошқа ҳодисаларнинг салбий таъсирида юзага келадиган хавф-хатарларни мониторинг қилиш платформасини яратиш.

II бўлим — Соғлом овқатланишни таъминлаш бўлими иккита устувор йўналишни қамраб олади:

1. Аҳолининг барча қатламини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

2. Озиқ-овқат ва соғлом озиқланиш хавфсизлиги даражасини ошириш учун жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда соғлом овқатланиш ва озиқланиш тамойиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари ва уларга риоя этиш амалиётларини тарғиб қилиш.

### **I бўлим. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш**

Озиқ-овқат хавфсизлиги — аҳолининг барча қатламларини соғлом ва фаол ҳаёт кечиришлари учун жисмоний, ижтимоий, иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг истеъмол эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш, хавфсизлик кўрсаткич меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш, юқори озуқавий қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш шароитларини кафолатловчи давлатнинг иқтисодий ҳолати.

1.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг барча қатламлари соғлом ва фаол ҳаёт кечириши учун табиий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг самарали иқтисодий ва экологик бошқарув тизимларини жорий қилиш.

Мамлакатимизда йил сайин кўпайиб бораётган аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш имконияти билан таъминлашда маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 2016 — 2022 йилларда жами 329 минг гектар пахта ва ғалла ер майдонлари мақбуллаштирилиб, ўрнига юқори рентабелли озиқ-овқат ва озуқа экинлари жойлаштирилди.

Шу билан бирга, 2023 йилда яна кўшимча 93 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига деҳқон хўжаликларини юритиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ер ажратилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида эришилган ижобий натижалар билан бирга табиий ресурслардан мақбул ва барқарор фойдаланишда хавф-хатар солувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар юзага келган.

Бугунги кунда республикаimizдаги жами 21,2 миллион гектар яйлов ерларнинг 16,9 миллион гектари (79,5 %) фойдаланишда бўлиб, қолган 4,3 миллион гектари ўрмон ер фонди ва давлат захирасига олинган.

2023 йилгача 10,3 миллион гектар яйлов ерларда ўтказилган геоботаник тадқиқотларга кўра 703 минг гектар (7,7 %) яйлов ерлар деградацияга учраб, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Бугунги кунда 2,0 млн гектардан (65 %) ортиқ суғориладиган ерларнинг гумус миқдори 1 фоиздан паст даражага тушиб қолганлиги, 44 фоизи турли даражада, жумладан 14 фоизи ўрта ва кучли даражада шўрланганлиги

экинлардан қўзланган ҳосилни олишга ва ушбу қишлоқ хўжалиги ерларидан барқарор фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу масалаларни миллий даражада ҳал этиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

1.1.1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш:

қишлоқ хўжалиги ерларини асраш, қайта тиклаш ва уларнинг унумдорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш ва оқилона фойдаланишда замонавий технологияларни татбиқ қилиш;

сув ресурсларининг ҳозирги ва келажакдаги шаклланиш манбалари ҳамда захирасини инобатга олган ҳолда фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритишни давом эттириш.

1.1.2. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш:

суфориш учун сув ресурслари манбаларининг етишмовчилигини баҳолаш;

сув тежовчи технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш, рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

глобал исиш ва иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган сув танқислиги ва қурғоқчиликка қарши ҳамда йўқотиладиган маҳсулотлар ўрнини альтернатив маҳсулотлар билан тўлдириш чораларини кўриш.

1.1.3. Инвестицияларни жалб этиш:

озик-овқат хавфсизлиги учун муҳим бўлган инфратузилмаларга инвестициялар йўналтиришни кучайтириш;

аҳолига кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш мақсадида чекка ҳудудларда транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш;

ишлаб чиқарувчилардан етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш учун агрологистика марказлари фаолияти ва хизматларини рақамлаштириш;

озик-овқат хавфсизлигига давлат ёрдамини кучайтириш мақсадида (барқарор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сув ва энергия таъминотидан барқарор фойдаланиш, иқлимдан оқилона фойдаланиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун мақбул ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда ҳосилдан кейинги йўқотишларни камайтиришга қаратилган) субсидиялар ажратиш бўйича ягона сиёсат олиб борилишини ва платформа ишлаб чиқилишини таъминлаш;

деҳқон бозорлари инфратузилмаларини замон талаблари асосида модернизация қилиш ва хусусий сармояларни жалб қилиш дастурини қабул қилиш.

1.1.4. Халқаро тажрибаларни қўллаш:

озик-овқат хавфсизлиги бўйича амалдаги қонунчиликни халқаро стандартлар талабларига ва илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида» қонунини қабул қилиш;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро келишувлар ҳамда минтақаларaro интеграцияни ривожлантириш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан тавсия этилган ва бошқа халқаро ҳамда миллий нормалар ва стандартларга мувофиқ аҳоли сонининг ўсишига нисбатан озик-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги, фойдалана олиш имконияти, истеъмол, барқарорлиги ва доимийлигини таҳлил қилиш ҳамда таъминлаш чораларини кўриш.

#### 1.1.5. Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш:

иқлим ўзгариши, табиий ёки техноген офатларнинг (тошқинлар, қурғоқчилик, ҳарорат ўзгариши ва бошқа омиллар) атроф-муҳит ва экологияга таъсирини мунтазам баҳолаб бориш ҳамда уларни таҳлил қилиш натижаларига кўра зарур мослашиш ва салбий таъсирларни юмшатиш чораларини кўриш;

озик-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва ўрашда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган моддаларни чиқармайдиган, маҳсулот хусусиятларининг яхши сақланиши ва хавфсизлигини таъминлайдиган, қайта ишланадиган ёки атроф-муҳитга зарар етказмасдан фойдаланиш ёки йўқ қилиш мумкин бўлган материалларни ишлатиш орқали экологик тизимга салбий таъсирни камайтириш;

ўсимликларни химоя қилишнинг экологик хавфсиз (биологик ва табиий) усулларини кенг қўллаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини экологик ва илмий асосда ошириш;

иқлим ўзгаришига салбий таъсир этувчи CO<sub>2</sub>, метан ва бошқа чиқиндиларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида юзага келувчи CO<sub>2</sub>, метан ва бошқа чиқиндиларни мониторинг қилиш ва босқичма-босқич камайтириш чораларини кўриш.

1.2. Фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун самарали бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган стратегик қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларининг давлат назорати остидаги захирасини яратиш.

Ўзбекистонда бошоқли дон экинлари майдонининг кенгайиши (пахта майдонининг мос равишда қисқариши ҳисобига) ва ҳосилдорликнинг сезиларли даражада ошиши натижасида буғдой ишлаб чиқариш 2016 йилда 6,4 миллион тоннани, 2023 йилда эса 7,1 миллион тоннани ташкил қилди.

Буғдой етиштириш бўйича кўрсаткичлар сезиларли даражада ошганлигига қарамасдан, аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига истеъмол учун мўлжалланган буғдойнинг 28 фоиз қисми хорижий давлатлардан импорт қилинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига буғдой истеъмоли йилига ўртача 244 килограммни ташкил этиб, бу кўрсаткич аксарият мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори ҳисобланади.

Сўнгги йилларда буғдой уни импорти камайиб (2011-2012 йилларга нисбатан 2019-2020 йилларда 70 фоизга камайган), маҳаллий қайта ишлаш корхоналари сонининг ошиши ҳисобига дон сотиб олиш ҳажми кўпайди. Буғдой импорти йилига ўртача 3 миллион тоннани ташкил этмоқда.

Бу юқори сифатли буғдой унига бўлган ички эҳтиёжни қондириш билан бирга эҳтиёждан ортиқ қисмини қўшни мамлакатларга экспорт қилиш имкониятини яратди (асосан Афғонистон давлатига 970 минг тонна).

Шу билан бирга жами озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига нисбатан импорти ҳам ошиб бормоқда (2022 йилда 20 фоиз).

Маҳсулотни сақлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда, муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари захираларининг барқарорлигини таъминлай оладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг стратегик захирасини яратиш, шунингдек, табиий ва техноген офатлар зарарларининг олдини олиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, таъминот занжирида узилишларга йўл қўймаслик ҳамда аҳолига, айниқса жамиятнинг заиф қатламларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўз вақтида зарур маҳсулотларга эга бўлиш ва бу маҳсулотларнинг мавжудлигини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш талаб этилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёси захирасини яратишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишда қўйидагилар амалга оширилади:

#### 1.2.1. Уруғчилик ва наслчиликни ривожлантириш:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказига ўтказилган уруғлик дон тайёрлаш корхоналарини тўлиқ модернизация қилиш ҳамда фаолиятини хусусий сектор билан ҳамкорликда ташкил этиш;

юқори сифатли галла уруғлари етиштиришни янги, бозорга асосланган рағбатлантириш тизимлари орқали қўллаб-қувватлаш;

биофортификация технологияларини рағбатлантириш мақсадида дон, дуккакли, мева, сабзавот, шакарқамиш ва бошқа тегишли экинларда микроэлементларга бой мавжуд маҳаллий навларга йўналтирилган уруғчиликни ривожлантириш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш учун наслчилик ишларини жадаллаштириш.

#### 1.2.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш:

озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларнинг кооперативларини ихтиёрий равишда ташкил этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мақсадли дастурни қабул қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари қўшилган қийматини кўпайтириш ва йўқотишларни камайтириш мақсадида қайта ишлаш корхоналари «кооперация-кластер» усулидаги алоқаларни ривожлантириш;

интенсив усулда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари тури, нави, кўлами ва уларнинг экин майдонларини кенгайтириш;

қишлоқ хўжалиги бўйича мақсадли илмий лойиҳалар орқали мева-сабзавот, қанд лавлаги, картошка, мойли ва дуккакли экинларнинг маҳаллий маҳсулдор навларини кўпайтириш ва уларни фермерлар томонидан ўзлаштириш ва етиштиришни тарғиб қилиш;

буғдой унини тиббий меъёр доирасида табиий микроэлемент ва витаминлар билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқариш;

мойли экинлар майдони ва ҳосилдорлигини ошириш орқали ўсимлик ёғи

ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда муҳим витаминлар ва минералларга бой соғлом ва мувозанатли овқатланишнинг бир қисмини ташкил этадиган тўйимли ўсимлик ёғларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

бозор механизмларига мос рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳисобига чорва ва паррандалар сонини, гўшт, сут, тухум, балиқ ва асал ишлаб чиқариш ҳажмларини аҳоли сонининг ўсишига мутаносиб равишда ошириб бориш;

балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарадорлиги юқори бўлган замонавий интенсив технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, балиқчиликнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, юқори малакали кадрларни жалб этишга ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрим-йиғимдан кейинги жараёнлари, жумладан, тўғри сақлаш, ташиш, ишлов бериш ҳамда маҳсулотларнинг савдоси бўйича маҳсулот етиштирувчилар ва аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ва тренинглар ташкил этиш.

1.2.3. Озиқ-овқат маҳсулотлари миллий захираларини ва нархлари барқарорлигини таъминлаш:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички истеъмол бозорида стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат (картошка, пиёз, сабзи, гуруч, гўшт, сут, шакар, ўсимлик ёғи) маҳсулотлари нархлари кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида «баланс-захира-интервенция» тизимининг эркин бозорга асосланган самарали механизмларини жорий этиш. Бунда, уй хўжалиқларининг озиқ-овқат захираси ва истеъмоли бўйича маълумотларини ҳар йили монографик тадқиқотлар олиб бориш орқали шакллантириш;

миллий инқироз ёки фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген офатлар, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, ташқи сиёсат барқарорлиги бузилиши) етарли миқдорда озиқ-овқат захираларининг мавжудлигини таъминлаш мақсадида миллий стратегик ғалла ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини самарали бошқаришни йўлга қўйиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини яратиш ва бошқаришда коррупция ҳамда сиёсий аралашувга йўл қўймаслик;

барча асосий экспорт бозорларида ҳамда республикамиз ички бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлар динамикаси, етиштириш прогнозлари, уларнинг ўзгаришлари тўғрисида маълумотлар базаси (банк)ни шакллантириш.

1.2.4. Хорижий ҳамкорликни ривожлантириш:

аҳоли сонининг ўсиши, ер ва сув ресурслари чеklangанлигини инобатга олиб, ғалла, мойли экинлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамкор қўшни давлатларда етиштириб, хомашё ва ҳосилни Ўзбекистонга олиб келиш, сақлаш ва қайта ишлаш чораларини кўриш;

зарур ҳолларда савдо таҳлиллари асосида озуқавий қиймати юқори бўлган ноанъанавий маҳсулотларга эҳтиёжни импорт ҳисобидан қоплаш;

халқаро ҳамкорлар ва экспертлар билан озиқ-овқат хавфсизлиги ва

соғлом овқатланишни таъминлаш масалаларида қўшма илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш.

1.3. Табiiй ва техноген офатлар, глобал сиёсий ва иқтисодий инқироз, пандемия, ҳарбий амалиёт ва бошқа ҳодисаларнинг салбий таъсирида юзага келадиган хавф-хатарларни мониторинг қилиш платформасини яратиш.

Озиқ-овқат хавфсизлигида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, огоҳлантириш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ягона тизим яратилмаган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва дастурларни мониторинг қилиш, маълумотларни ўз вақтида, ишончли ва сифатли тақдим этиш, қабул қилиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш учун соҳанинг мавжуд ахборот тизимларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади:

1.3.1. Рақамли технологияларни жорий этиш:

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича барча манфаатдор томонлар, шу жумладан уй хўжаликларида сўровлар ўтказиш орқали (асосий ва мониторинг кўрсаткичларига мувофиқ) озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича тегишли маълумотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш учун идоралараро интеграциялашган рақамли тизимни яратиш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланиш бўйича Миллий ахборот платформасини ишга тушириш ҳамда ушбу платформа доирасида халқаро стандартлар ва усуллар асосида мониторинг ўтказиш;

Стратегияни амалга оширишда иштирок этувчи барча манфаатдор вазирлик ва идоралар учун тармоқ бошқарувида ахборот тизимлари мувофиқлигини такомиллаштириш;

минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини Миллий ахборот платформаси билан интеграция қилиш.

1.3.2. Халқаро кузатув маълумотларини таҳлил қилиш:

Халқаро даражада ишлаб чиқилган ҳисоблаш ва таҳлилий дастурлар (Global Food Systems Dashboard, FAOSTAT, UN COMTRADE, World Development Indicators, Global Food Security Indicators ва бошқа) маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш, хулоса ва таклифлар тайёрлаш ҳамда индикаторларни Миллий ахборот платформасида жорий этиш.

## **II бўлим. Соғлом овқатланишни таъминлаш**

Соғлом овқатланиш (nutrition) — бу ёши, жинси, соғлиғи ва касбидан қатъи назар, ҳар бир инсонни мақбул яшаши интеллектуал ривожланиши, турли касалликларнинг олдини олиши учун зарур бўлган макро ва микроэлементлар озуқавий қийматининг оптимал нисбатини ўз ичига олган, хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминланиш.

2.1. Аҳолининг барча қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш.

Сўнги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни иш ўрни, даромад ва озиқ-овқатлар билан барқарор таъминлаш мақсадида алоҳида реестр юритиш («темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари») тизими йўлга қўйилди.

Ижтимоий реестрларга кирган аҳолига қишлоқ ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қарийб 200 минг гектар ер майдонлари ажратилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг шароитларидаги ўзгаришларни кузатиш учун ягона ижтимоий ҳимоя маълумотлар тизимини яратиш мақсадида турли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари интеграцияси таъминланмаган.

Шу билан бирга аҳолига ер майдонлари ажратиш орқали ўз-ўзини сифатли ва турли хил озиқ-овқатлар билан таъминлаш имкониятларини янада кенгайтириш талаб этилади.

Хорижий тажрибалар асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғасида белгиланган яроқлилиқ муддати тугашига қисқа даврлар қолганда, маҳсулотни хайрия тарзида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига тарқатиш фаолиятини амалга оширувчи «Food Banking» тизими фаолияти йўлга қўйилмаган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг гуруҳлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол қилиш даражаси таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда ун ва нон маҳсулотлари, тўйинган ёғ, ош тузи, шакар ва гўшт истеъмол қилиш кўрсаткичлари Осиё ва дунё мамлакатларининг ўртача кўрсаткичидан юқорилиги, аксинча дуккакли ва дон маҳсулотлари, мева ва резаворлар, ёнғоқлар истеъмол кўрсаткичи талаб даражасидан пастлиги аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шакар, оддий углеводлар, тўйинган ва транс ёғлар истеъмолини чеклаш, бунинг ўрнига мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш тавсия этилмоқда.

Носоғлом овқатланиш ва тўйиб овқатланмаслик оқибатларининг глобал иқтисодийга салбий таъсири йилига 3,5 трлн АҚШ долларини ёки аҳоли жон бошига 500 АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда меъёрида овқатланмаслик оқибатида йўқотилган самарадорлик сабабли юзага келган яширин қўшимча харажатлар 3,5 баравар кўп бўлиб, 7,3 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Ушбу масалаларни тизимли ҳал этиш ҳамда фуқароларнинг соғлом овқатланиши учун муҳим аҳамиятга эга асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда қуйидагилар амалга оширилади:

#### 2.1.1. Ижтимоий ҳимоя:

ижтимоий реестрларда рўйхатга олинган фуқароларнинг ўзини ўзи озиқ-овқатлар билан таъминлашини тизимли равишда ташкил этиш учун уларга ер майдонлари ажратиш бўйича ишларни кучайтириш;

аҳолига деҳқон хўжалиқларини юритиш учун ажратишган ерларда ҳамда томорқа ерларида ўз эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш

имкониятини кенгайтириш, уларни юқори ва сифатли ҳосил берувчи озиқ-овқат экинлари уруғликлари билан таъминлаш;

бозор нархида озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имконига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож ва даромад манбаи чекланган фуқароларнинг энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини ошириб бориш, жумладан, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотлари банклари (Food Banking) пилот дастурини синовдан ўтказиш бўйича махсус мақсадли миллий дастурларни қабул қилиш.

2.1.2. Аҳоли саломатлигини мониторинг қилиш:

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги ҳамда соғлом озиқланиш бўйича республика вазирлик ва идоралари маълумотларини Миллий ахборот платформасига интеграция қилиш;

Жаҳон овқатланиш ҳисоботи (Global Nutrition Report), жумладан гўшт, тўйинган ёғ, таркибида натрий ва шакар бўлган ичимликларни, айниқса, соғлом овқатланиш учун зарур бўлган мева-сабзавот, дуккакли ва дон маҳсулотларини истеъмол қилиш даражалари бўйича маълумотлар таҳлилларини амалга ошириш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини назорат ва мониторинг қилиш бўйича мутахассис кадрлар сонини, малакасини, билим ва кўникмаларини ошириш.

2.2. Озиқ-овқат хавфсизлиги учун жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда соғлом овқатланиш тамойиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари ва уларга риоя этиш амалиётларини тарғиб қилиш.

Мамлакатимиз бугунги кунда озиқ-овқат истеъмоли билан боғлиқ юқумли бўлмаган касалликлар, жумладан, қандли диабет, саратон ва юрак-қон томир, ортиқча вазн, макро ва микроэлементлар етишмовчилиги каби касалликлар тарқалиши бўйича дунё мамлакатлари орасида юқори қаторлардан ўрин олган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда охириги 15 йилда тўртта асосий юқумли бўлмаган касалликларни даволаш учун 1,4 трлн сўм сарфланган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш жараёнларида хавфсизликни бошқаришни назорат қилиш тизими ривожланмаганлиги ва хавфли бўлган озиқ-овқатларни сотиш учун жавобгарлик қучайтирилмаганлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиш хавфи ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини назорат қилиш тизими бир неча давлат органлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тайёр маҳсулотларга нисбатан хулоса бериш орқали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ҳайвонот дунёсини даволаш препаратлари

устидан назорат қилишда, таркибида фаол моддалар бўлган пестицидларни рўйхатдан ўтказиш, сотиш ва улардан фойдаланиш каби муҳим соҳаларни тартибга солишда катта бўшлиқлар мавжуд.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини назорат қилиш бўйича билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар етишмайди. Лаборатория ходимлари етарли эмас ва улар халқаро аккредитациядан ўтиш учун зарур бўлган мунтазам малакани тасдиқлаш синовларидан ўтмайдилар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни тарғиб қилишни кучайтириш бўйича ташвиқот режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим.

Соғлом овқатланиш тамойиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичларига роя этишдаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

#### 2.2.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги устидан давлат назоратини ягона тизим орқали бошқариш, бунда турли идоралардаги функцияларни ягона тизимга келтириб, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги инспекциясини ташкил этиш;

«даладан-истеъмолагача» занжирида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини назорат қилиш тизимини кучайтириш, халқаро талаблардан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги даражасини текшириш ва таҳлил қилиш бўйича лабораториялар тизимини ривожлантириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмочиларга тўлиқ етказиш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида туз, қанд ва ёғ миқдорини инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ҳамда зарарсиз бўлган меъёр кўрсаткичларини белгилаш;

биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

импорт ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида генетик модификацияланган организмлар (ГМО) ва саноат трансёғлари бўлиши хавфини баҳолаш.

#### 2.2.2. Соғлом овқатланишни тарғиб ва ташвиқот қилиш ишларини ташкил этиш:

Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда тўйинган ёғли маҳсулотлар, ош тузи, шакар ва ёғли маҳсулотларнинг ўрнини босувчи керакли микро-макро-элементлар ва оқсилга бой маҳсулотларнинг (мева-сабзавот, дуккакли, резавор, балиқ, сутли маҳсулотлар, асал ва бошқалар) истеъмолини оширишни тарғиб қилиш;

соғлом овқатланиш амалиётларини кўриб чиқиш ва аҳолининг тушунча ва билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш борасидаги бирламчи тадқиқотлар ва изланишларнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ёш болалар ва гўдакларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш;

мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида соғлом овқатланиш тамойилларини тарғиб қилиш;

мактабгача ва мактаб таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳудудида кучли газланиб ширинлаштирилган ва энергетик ичимликлар ҳамда ўта тузланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол ва реализация қилиш бўйича чекловларни жорий этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, барча даражадаги давлат муассасалари ва идораларида соғлом овқатланиш бўйича билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган тадбирлар ташкил қилиш;

соғлом овқатланиш бўйича оммавий ахборот воситаларида махсус эшитириш ва кўрсатувлар тайёрлаш.

### **Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Ушбу Стратегияда назарда тутилган тадбирларнинг ҳаётга жорий қилиниши натижасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жадаллашади.

Хусусан, «Тўйиб овқатланмасликка барҳам бериш», «Соғлиқ ва фаровонлик», «Тоза сув ва санитария» ва бошқа шу каби мақсадлар бўйича қабул қилинган миллий мақсадларга эришилади, аҳоли фаровонлиги таъминланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, ички истеъмол талабидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш доирасида:

асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кафолатланган захиралари яратилади;

аҳолининг соғлом овқатланиши учун зарур бўлган оқсил ва микроэлементлар, витаминларга бой маҳсулотлар, жумладан мева-сабзавот, мева-резавор, полиз, дуккакли, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпаяди;

асосий қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ички селекцияси ривожлантирилади;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига чорвачиликнинг табiiй озиқа захираларини ҳимоя қилиш, сақлаш ва кейинги авлодга етказиш имконияти ошади;

халқаро индексларда, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги индексидаги (The Global Food Security Index) ва глобал очлик индексидаги (Global Hunger Index) кўрсаткичлар яхшиланади;

асосий турдаги озиқ-овқат экинлари ҳосилдорлиги 1 гектар майдонда буғдой — 100 центнер, шоли — 56,5 центнер, картошка — 222 центнер, сабзавотлар — 295 центнер, полиз экинлари — 200 центнер, мева ва резавор — 150 центнер, узум — 180 центнер, мойли экинлар — 22 центнерга етказилади;

2030 йилга қадар жами интенсив боғлар майдони 110 минг гектарга, ин-

тенсив усулда сабзавотлар етиштириладиган майдонлар 55,4 минг гектарга, шунингдек, озуқа экинлари майдонлари улуши 15 фоизга, мойли экинлар майдони улуши 5,7 фоизга етказилади;

аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиган фуқаролар улуши жами аҳоли сонига нисбатан 2,5 фоиздан 1,5 фоизга туширилади.

Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик учун миллий уруғчилик ва экиш материаллари, шунингдек, наслчилиكنи ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланиши ва соғлом овқатланиш тизимининг тўлиқ жорий қилиниши, аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмасликка барҳам берилиши — овқатланиш билан билвосита ёки бевосита боғлиқ касалликларнинг кескин камайишига асос бўлади ҳамда аҳолининг ўртача умр кўришини ҳозирги 72 ёшдан 78 ёшга узайтириш имкони яратилади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг ривожланиши ва сифатининг ошиши ҳисобига халқаро инсонпарварлик ёрдамларида озиқ-овқат маҳсулотлари билан иштирок этиш имкони янада ортади.

Аҳолининг доимий фаол ва соғлом ҳаёт кечириши учун хавфсиз ва тўйимли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлигига ва ундан тўғри фойдаланишга, таъминот барқарорлигига ҳамда жисмоний, иқтисодий ва харид қилиш имконияти ошишига эришилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**60** Андижон вилоятида «Ипак йўли» эркин иқтисодий зона-  
сини ташкил этиш тўғрисида\*

Андижон вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, юқори технологияли ва замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва ҳудуд аҳолисининг фаровонлигини ошириш, шунингдек, Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан савдо ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Андижон вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг:

Андижон вилояти Андижон туманида «Ипак йўли» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Ипак йўли» ЭИЗ) ташкил этиш;

«Ипак йўли» ЭИЗни ташкил этиш мақсадида Андижон вилояти Андижон туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган жами 218,18 гектар, шундан 201,23 гектар сугориладиган ер участкаларини 1-иловага\*\* мувофиқ саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. «Ипак йўли» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегаралари 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар «Ипак йўли» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш, «Ипак йўли» ЭИЗ иштирокчилари ўртасида ҳамда республиканинг бошқа ҳудудлари билан саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори даражадаги саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли учун доимий иш ўринлари яратиш.

4. Белгилансинки:

а) «Ипак йўли» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик қонунга мувофиқ узайтирилиши мумкин;

б) «Ипак йўли» ЭИЗ фаолияти давомида унинг иштирокчиларига эркин

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 февралда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иқтисодий зоналар иштирокчилари учун белгиланган алоҳида солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади;

в) «Ипак йўли» ЭИЗ ҳудудиди:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш уларнинг бош режа асосида ўзлаштирилишига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5600-сон Фармонига мувофиқ электрон онлайн аукцион орқали босқичма-босқич амалга оширилади;

инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш электрон онлайн аукциондан тушган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ипак йўли» ЭИЗ ҳудудини муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги:

а) икки ҳафта муддатда «Ипак йўли» ЭИЗ фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) бир ой муддатда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда «Ипак йўли» ЭИЗнинг ҳудудлари бош режаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин, бунда:

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бош режани ишлаб чиқишда буюртмачи ташкилот этиб белгилансин;

бош режани ишлаб чиқиш бўйича пудрат ташкилоти белгиланган тартибда танлов (тендер) савдоларига асосан аниқлансин;

бош режани ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисми, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

в) ер участкаларини бош режага асосан захирага қайтариш қонунга мувофиқ амалга оширилишини, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини ва Ер кодексида белгиланган тартибда ажратилишини, шунингдек, ер участкалари олиб қўйилаётган ер эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига етказиладиган зарарлар, бой берилган фойда, қишлоқ хў-

жалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланишини таъминласин;

г) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 январга қадар мазкур қарор билан ер фонди тоифаси ўзгартириладиган ер участкаларининг икки баравари миқдоридан янги ер участкалари ўзлаштирилишини ва суғориладиган ерлар тоифасига ўтказилишини таъминласин;

д) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда «Ипак йўли» ЭИЗ ҳудудидан 2025 йил охирига қадар 3 млрд АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ўзлаштирилишини, 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишини, йилига 20,1 трлн сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини, йиллик 580,7 млн АҚШ доллари миқдоридан кўшимча экспорт амалга оширилишини ва Давлат бюджетига йиллик 1,2 трлн сўм кўшимча солиқ тушумлари тушишини таъминласин.

7. Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга асосан ер участкаларининг бош режа асосида ўзлаштирилишига ва янги мақсадлар учун ажратилишига, шунингдек, янги ерларнинг суғориладиган ерлар тоифасига ўтказилишига кўра Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритиб борсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.К. Абдурахманов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 февраль,  
ПҚ-72-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****61 Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit  
tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy  
normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
12-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3495*

O‘zbekiston Respublikasining 2023-yil 28-noyabrdagi O‘RQ–880-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 12-fevral,  
6-mh-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-fevralda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi  
6-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

### **Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2007-yil 12-sentabrdagi 141-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1723, 2007-yil 29-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 41-42-son, 420-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi samoviy hududida fuqaro va eksperimental aviatsiyasining parvoz qilish aviatsiya qoidalarining (O'zR AQ-91) 98-bandidagi "vazirliklar, idoralar va davlat qo'mitalari" degan so'zlar "vazirlik va idoralar" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 20-avgustdagi 65-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 40-41-son, 356-modda) bilan tasdiqlangan Budjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaning 2-ilovasi 3 450 925 qatoridan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

3. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Davlat statistika qo'mitasining 2014-yil 9-dekabrda 6 va 5-mb-son qarori (ro'yxat raqami 2633, 2014-yil 10-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 50-son, 601-modda) bilan tasdiqlangan Yuridik shaxslarning nomiga davlatning rasmiy nomini, shuningdek undan hosila so'zlarni qo'shish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 17-bandidan "davlat qo'mitalari," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2016-yil 28-apreldagi 224/8-son qarori (ro'yxat raqami 2793, 2016-yil 3-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 22-son, 260-modda) bilan tasdiqlangan Ilmiy unvonlar berish tartibi to'g'risidagi nizomning 18-bandi "d" kichik bandidan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

5. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2016-yil 22-noyabrdagi 88-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2850, 2016-yil 22-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 51-son, 593-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi budjet tizimi budjetlarining g'azna ijrosi qoidalarining 48-bandi birinchi va to'rtinchi xatboshilari, 60-bandi, 61-bandi uchinchi xatboshisi, 65-bandi uchinchi xatboshisi, 70-bandi uchinchi xatboshisi, 79-bandi, 99-bandi beshinchi xatboshisi, 100-bandi uchinchi xatboshisi, 104-bandi uchinchi xatboshisi, 107-bandi birinchi xatboshisi, 109-bandi uchinchi xatboshisi, 111-bandi, 121-bandi, 161-bandi uchinchi xatboshisi, 178-bandi uchinchi xatboshisidan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

6. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 10-sentabrdagi 125-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3078, 2018-yil 20-oktabr) (Qonun hujjatlari

ma'lumotlari milliy bazasi, 22.10.2018-y., 10/18/3078/2073-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (2-sonli BHS) "Yagona schyotlar rejasida":

a) 46-band, 63-bandning birinchi, ikkinchi va oltinchi xatboshilari, 66-bandning o'n birinchi — o'n uchinchi xatboshilari, 79-bandning ikkinchi xatboshisi, 82-bandning o'n birinchi — o'n uchinchi xatboshilari va 327-banddan hamda 1-ilovaning 102 410 va 520 430 qatorlaridan, 2-ilovaning 15, 16 va 58-pozitsiyalaridan “, qo'mitalar” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

b) 294-bandda:

birinchi, ikkinchi, to'rtinchi — oltinchi xatboshilardan “, qo'mitalar” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

yettinchi xatboshidan “, davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

7. O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati va Milliy gvardiyasining 2019-yil 30-dekabrda 46, 105, 36, 39 va 35-son qarori (ro'yxat raqami 3215, 2020-yil 31-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 31.01.2020-y., 10/20/3215/0119-son) bilan tasdiqlangan Muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan harbiy xizmatchilarga O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to'g'risidagi nizomning 26 — 29-bandlari, 45-bandi, 1-ilovasining izohi va 3-ilovasining izohidan “, davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

8. O'zbekiston Respublikasi mudofaa vazirining 2019-yil 20-dekabrda 1236-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3216, 2020-yil 31-yanvar) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 31.01.2020-y., 10/20/3216/0120-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari aviatsiyasining uchuvchilar tarkibini tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 2-bandidan “, davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 25-mayda 12/1-son qarori (ro'yxat raqami 3252, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3252/1098-son) bilan tasdiqlangan Bank faoliyatiga ruxsat berish tartibi va shartlari to'g'risidagi nizomning 113-bandidan “davlat qo'mitalari,” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

10. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligining 2021-yil 18-oktabrdagi 38-son, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2021-yil 13-oktabrdagi 33-2021-son, Moliya vazirligining 2021-yil 16-oktabrdagi 65-son qarori (ro'yxat raqami 3326, 2021-yil 19-oktabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 19.10.2021-y., 10/21/3326/0974-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasida faoliyat yuritayotgan xorijiy oliy ta'lim tashkilotlari va ularning filiallari hamda nodavlat oliy ta'lim tashkilotlariga davlat buyurtmasi parametrlarini shakllantirish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandi ikkinchi va beshinchi xatboshilaridan “, davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

11. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2021-yil 2-noyabrdagi 68-son

buyrug'i (ro'yxat raqami 3341, 2021-yil 6-dekabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.12.2021-y., 10/21/3341/1138-son) bilan tasdiqlangan Davlat maqsadli jamg'armalarining xarajatlar smetasi hamda moliyaviy hisobotlarini tuzish, tasdiqlash va taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomda:

a) 2-bandning ikkinchi xatboshisi va 101-banddan “, davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

b) 90-banddan “, Davlat qo'mitalari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I**62** Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
12-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3496*

O‘zbekiston Respublikasining 2023-yil 28-noyabrdagi O‘RQ–880-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

- Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
- Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 12-fevral,  
7-mh-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-fevralda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi  
7-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

### **Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi "O'zarxiv" agentligi bosh direktorining 2007-yil 17-iyuldagi 18-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1703, 2007-yil 13-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 33-34-son, 350-modda) bilan tasdiqlangan Axborot resurslarining arxiv nusxalarini yaratish va ularni davlat saqloviga topshirish bo'yicha yo'riqnomaning 1-bandi sakkizinchi xatboshisidan "davlat qo'mitasi," degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 13-martdagi 2002-04-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1131, 2002-yil 23-aprel) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 8-son) bilan tasdiqlangan Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi qonunchiligining buzilishiga doir ishlarni ko'rib chiqish va jazo qo'llash tartibi to'g'risida nizomning 18-bandi birinchi xatboshisidan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

3. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2008-yil 24-noyabrdagi 110-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1941, 2009-yil 16-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 16-son, 206-modda) bilan tasdiqlangan Mudofaa majmui va huquqni muhofaza qilish organlari muassasalari va tashkilotlarining xarajatlari va boshqa maxfiy xarakterga ega bo'lgan xarajatlarning g'azna ijrosi tartibi haqidagi nizomning 32-bandi uchinchi xatboshisidan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2012-yil 9-apreldagi 83-mh-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2352, 2012-yil 9-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012-y., 15-son, 173-modda) bilan tasdiqlangan Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga kiritiladigan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini tayyorlash, yuridik-texnik jihatdan rasmiylashtirish va huquqiy ekspertizadan o'tkazish tartibi to'g'risida uslubiy ko'rsatmalarning 9-bandi birinchi xatboshisidan "davlat qo'mitalari" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

5. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 14-noyabrdagi 74-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 51-son, 612-modda) bilan tasdiqlangan Budjet tashkilotlari va budjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomda:

a) 6-ilovadagi “vazirlik, davlat qo‘mitasi, idora” degan so‘zlar “vazirlik va idora” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) 11-ilovadagi “Vazirlik, davlat qo‘mitasi va idorasi” hamda “vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralarining” degan so‘zlar tegishli ravishda “Vazirlik va idora” hamda “vazirliklar va idoralarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi va Adliya vazirligining 2020-yil 30-iyundagi 54, 1-son qarori (ro‘yxat raqami 3273, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3273/1152-son) bilan tasdiqlangan Xalqaro shartnoma loyihasini tayyorlash va O‘zbekiston Respublikasining ko‘p tomonlama xalqaro shartnomada ishtirok etishi maqsadga muvofiqligi to‘g‘risidagi masalani ishlab chiqish haqidagi uslubiy ko‘rsatmalarning 3-bandi sakkizinchi xatboshisidan “davlat qo‘mitasi,” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. О'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi 6-mh-son "Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2024-yil 12-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3495.***

2. О'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 12-fevraldagi 7-mh-son "Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlarining yaxlit tizimi shakllantirilishi munosabati bilan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2024-yil 12-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3496.***